

## **THE PSYCHOLOGICAL ESSENCE OF LEARNING TO ACHIEVE RESULTS**

Askarjon Kholduraev Panjiyevich  
Teacher of Termiz State Pedagogical Institute  
e-mail: kholdurayevaskar@mail.ru

### **Abstract**

In the article, the process of achieving results of adolescent students in different directions of social and humanitarian scientific knowledge is the processes, methods and means of motivating them to knowledge, activities, active development of educational content.


This article is about the socio-psychological conditions of adolescent students' achievement skills, creative activity, and self-development issues, which have been neglected by most researchers. Therefore, in the process of educational activity, the issue of achieving results is studied through concepts close to it.

**Key word:** Organization of educational activities, educational process, educational process for teenagers, students.

**Кириш.** Ўқув фаолиятини идрок этиш тажрибаси жамоатчилик билан алоқалар, реклама ва маркетинг соҳаларида батафсил назарияси жуда кам ўрганилган. Ушбу мақолада биз фақат замонавий илмий тадқиқотларда Ўқув жараёнинг тадқиқотлари мавзусига тўхталамиз.

**Адабиётлар шарҳи:** Ўқув фаолиятида натижага эришишда муваффақият мотивлари ва ўқув фаолияти учун хос бўлган иродавий сифатлар, самарадорликга эришишни таъминловчи психологик омиллар, индивидуал-психологик тайёргарлик ва уни педагогик шарт-шароитлари каби масалалар рус психологиясида ҳам кенг тадқиқ этилган бўлиб, бундай ишлар туркумига М.Я.Басов, В.И. Селиванов, Е.П. Илин, Б.Н.Смирнов, Г.Д. Луков, В.И.Селиванов, О.А. Сиротин, С.Я.Самулкин, В.А.Иванников, Н.А.Батулин, И.Д.Бех, М.И.Боришевский, И.П.Волков, А.В.Воронин, Ф.Н.Генов, Л.Л.Гиссен, Г.Д.Горбунов, В.К.Калин, О.А.Конопкин, В.И. Моросанова, М.В.Свечение, А.В.Шаболтас, А.В.Радионон каби олимларнинг изланишларини мисол қилиш мумкин.

В.Р. Мисчел, Й.Г.Шода, М.Л.Родригuez, М.С Муравен, Э.Д. Слессарева, Г.Э.Киелхофнер, С.С.Хелфрич, Г.Т.Киелхофнер, С.Й.Маттинглй, Л.Р. Сорно, Р.З. Канфер, Л.С.Барретт, Д.М. Беер, Ж.М.Аскерман, Н.Ж.Голдстеин., Ж.Р.Шапиро, Р.В. Сарлсон, каби хориж тадқиқотчилари томонидан ўқув фаолиятининг ўзига хослиги, ўқув жараёни мусобақалашув шароити эканлиги, ўқув мотивларининг табиати, иродани ҳар жиҳатдан тарбиялашда регуляцион, эркин танлов ва




мотивацион ёндашувларнинг аҳамияти, натижага эришишни ўрганишнинг психодиагностик масалалари, натижага эришиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, ирода ҳаракатлар ва мотивацион соҳанинг ўзаро алоқадорлик жиҳатлари, ўқув фаолиятига ижтимоий-психологик тайёргарлик, ёш ўсмир ўқувчиларни индивидуал ва жамоавий тайёрлашнинг психологик жиҳатлари каби масалалар атрофлича ёритилган. Юқорида келтирилган барча илмий изланишларнинг мазмуни мақоланинг эмпирик қисми учун ўзига хос назарий асос бўлиб хизмат қилади.

### **Асосий тузилиши**

Ўсмирлик даври онтогенетик даврнинг ўзига хос мураккаб босқичларидан бири бўлиб, шахсда касбий билим ва кўникмалар билан бир қаторда, муҳим касбий сифатларнинг ҳам шаклланиб бориши билан намоён бўлади. Кўпгина психологларнинг таъкидлашича, бугунги кунда ўқув фаолиятида натижага эришиш шаклланиши ўзининг аҳамиятлилик даражасига кўра инсон эҳтиёжлари орасида биринчи ўринга кўтарилмоқда. Чунки, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, баркамол инсон бўлиб етишишида уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ҳамда уларни жамият учун етук инсон қилиб тарбиялаш каби масалалар ҳар бир ўсмир ўқувчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Қолаверса, маҳаллий психологиянинг турли тармоқларида натижага эришиш масаласининг ечимини илмий исботловчи ҳамда тушунтириб берувчи, амалга оширилган янги илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги билан алоҳида фарқланади. Замонавий психологияда фанида мотивация феномени кўпроқ, фаолият ва унинг ўзига хос психологик механизми сифатида тушунтирилади. Тадқиқотчи В.Г.Леонтьев фикрича, натижага эришиш-бу фаолиятни бошқарувчи импульслардан бири саналади. Ҳақиқатдан ҳам, шахслар доимий равишда турли хил фаолиятда бўладилар ва турли хил хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар. Бунда шахсдаги мотивация белгилари ўқув ифаолиятининг ташқи томонида намоён бўлади.

В.С.Кузнецовнинг таърифича, ўқув фаолияти-бу маълум қоидаларга мувофиқ ташкил этилган ўқувчиларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини таққослашдан иборат бўлган фаолиятдир. Яъни, интеллектуал машқ қилиш ва мақсадли тайёргарлик кўришга асосланган, физиологик ва психологик имкониятларни такомиллаштиришга қаратилган ўқув фаолият туридир. Тадқиқотчи Э.М.Никитиннинг айтишича, ўқувчиларда натижага эришиш қобилиятини ривожлантириш ишлари аввало, улардаги ўқув фаолиятида компетенцияларини қайта такомиллаштириш, замонавий психологиянинг




янги, илғор концепциялари билан малакаларини ошириш ҳамда ўқув фаолиятининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари чуқур таништириш кабилар билан характерланади. Муаллиф ўз илмий тадқиқотида ўқув фаолиятида муваффақиятли билим олишнинг омили саналган, ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Ўқув фаолиятининг муваффақияти нафақат, ўсмир ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликда ишлаб чиқадиган хатти-ҳаракатлар тактикаси ва стратегиясига, балки ўқитувчиларнинг ўсмир ўқувчиларни тартибга солувчи психологик таъсир эта олиш қобилиятига ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади. Ёш даврлар психологияси соҳасида етакчи олим саналган Е.Н.Гогуновнинг таъкидича, ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришиш, ўсмир ўқувчиларни етиштириб чиқариш, машғулотлар шароитида ҳиссий алоқаларни мутаҳкамлаш, ўсмир ўқувчининг имкониятларини тўғри баҳолай олиш ҳолатлари кўпроқ, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва тажрибасига ҳам боғлиқ саналади. Акс ҳолда, ўсмир ўқувчилар ўз ўқитувчиларини мутахассис сифатида рад этишлари, кейинчалик бу ҳолат ўқув фаолиятига кўрсаткичларнинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин саналади. Бу муаммо ижтимоий назария ва амалиётнинг муаммолари мажмуаси билан боғлиқ бўлиб, психологиянинг марказий кисмидан жой олган. Ўсмир ўқувчилардаги натижага эришиш сифатларининг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-маданий шароитлар таъсирида ўзгарувчи алоҳида турларини тадқиқ қилиш эса ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини янада чуқурроқ ўрганишга имкон яратади.

Л.М.Митинанинг таъкидича, ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида натижага эришиш даражасини ўрганиш, касбий ўз ўзини ривожлантириш муаммоси билан узвий боғлиқ саналиб, уни тадқиқ этиш ўқитувчининг ўз касбига қай даражада мувофиқлигини аниқлашга кенг имкон беради. Муаллиф мазкур таърифда, ўсмир ўқувчиларнинг таълим–тарбия жараёнига ҳар жиҳатдан тайёгарлиги масаласини назарда тутмоқда. Педагогик фаолиятда ҳар жиҳатдан мукамал мутахассис бўлиб етишиши, нафақат касбий жиҳатдан балки, шахс сифатида ривожланиш омилларига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Аксарият хориж тадқиқотларида мазкур муаммо ўқув фаолиятида ўз-ўзини ривожлантириш, ўқув фаолиятида ўзини ўзи камол топтириш, касбий камолот, ўқув фаолиятида рефлексия каби тушунчалари орқали кенг тадқиқ этилган.

Мазкур масалада В.А.Ермаков шундай дейди: “Ҳар қандай фаолият турида, жумладан, ўқув фаолияти юқори натижалар нафақат қобилият, кўникма, билим, компетенция, иқтидор балки ақлий жараёнлар ва эмоционал ҳолатларнинг хусусиятларига ҳам боғлиқ ҳамдир” деб таъкидлайди. Яъни, миянинг дастурлаш, режалаштириш, натижаларини баҳолаш, қутилмаганда қарор қабул қилиш хусусиятлари ҳам бундан холи бўлмаслиги билан алоҳида изоҳланади.




В.Г.Асеевнинг таърифича, ўқув фаолиятида мотивацион қобилият–бу ҳаракатларнинг мақсадларини аниқлаш ёки режадаги фаолиятни қайси воситалар билан бажариш кераклиги аниқлашдир. Демак, натижага эришиш ўқув фаолияти мақсади ва натижасини белгиловчи психологик асосдир. Бироқ, мазкур тушунчанинг асосланиши узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, ҳалига қадар фанда ўқув фаолиятида натижага эришишнинг моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф мавжуд эмас. “Натижага эришиш” тушунчаси кенг қамровли ёндашувлар билан тавсифланади. Натижага эришиш ва мотивацияни ўрганишдаги турли хил назарий ёндашувлар, биринчидан, замонавий психологик мактабларнинг турли фалсафий, психологик йўналишлари, иккинчидан, ушбу категориянинг мазмун жиҳатдан мураккаблиги туфайли юзага келганлиги билан асосланади.

С.А.Соломатиннинг ёзишича, ўқув фаолиятида муваффақиятга эришиш учун аввало, ўсмир ўқувчилар мустақил равишда ўз фаолият дастурини туза олиши, унга мос равишда реал, олий ва мақсадларни кўя билиши, ўз натижаларини етарли даражада баҳолай олиши ва уларни тузата олиш каби имкониятларга эга бўлишлари ўта муҳимдир. Шунингдек, ўсмир ўқувчи ўқув фаолиятининг муваффақиятларида натижага эришиш муҳим рол ўйнайди. Ўсмир ўқувчини юқори ютуқларга ундайдиган мотивлар жуда кучли бўлиши мумкин. Бироқ, уларнинг кучи ўсмир ўқувчининг тайёргарлик даражасига, унинг ҳақиқий имкониятларига мос келиши лозим.

Тадқиқотчи олим Е.В.Руденскийнинг сўзларига кўра, ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ва натижага эришиш малакаларини таҳлил қилиш, аввало, ўқув фаолият деформацияси феноменини ўрганиш билан ўзвий боғлиқ саналиб, у орқали ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантиришига тўсиқ бўлувчи касбий суниш синдроми, хавотирлик ҳисси, ижтимоий вазифалардан қочиш истаги ҳамда намоён бўлган деструктив хулқ-атвор кўринишлари аниқланади. Тадқиқотчи назарида, ана шу масалаларни ҳал этиш ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида натижага эришишни такомиллаштирувчи ижтимоий–психологик шарт-шароитларини ўрганишга кенг имконият яратиб беради.

Қоидага кўра, ўқув фаолияти шахснинг дунё билан ўзаро муносабатининг маҳсус тизими сифатида тавсифланиб, у қатор фанлар томонидан турлича таърифланади. Замонавий психология соҳасига оид луғатда қайд этилишича, ўқув фаолияти-атрофдаги дунёга фаол муносабатда бўлишнинг ўзига хос шаклидир, унинг мазмуни мақсадига мувофиқ ўзгаришб боровчи жараён дир. Педагогикада эса, ўқув фаолияти инсонда юзага келадиган психологик-педагогик механизмлар асосида, амалга ошириладиган динамик ҳодисадир. Психология фанида эса, у психик ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч,



объектив ва субъектив категория сифатида тавсифланади. Г.С.Абрамованинг ёзишича, ўқув фаолиятида натижага эришиш қўйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- Ҳаракат жараёнининг мавжудлиги;
- Ҳаракатлар онгли ва атроф-муҳит талабларига мослашишга қаратилган;
- Ҳаракат жараёни шахсининг мавжудлиги ва ривожланиши учун муҳимдир.


Демак, ўқув фаолияти-объектив воқеликни субъективлаштириш, объектив воқелик ва субъектнинг ўзи ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга ошириш имконини ақлий жараёндир. Ўқув фаолиятида натижага эришиш орқали психика янги муносабатлар билан бойиб боради ва ушбу муносабатларнинг мазмуни ва қадр-қимматини шахс томонидан текшириб борилади.

Баъзи тадқиқотларда, натижага эришиш феномени ўқувчи ўқув фаолиятига хос ўз-ўзини баҳолаш, ўқув фаолиятида ўсиш, ўқув фаолияти бўйича турли стратегиялар яратиш каби тушунчалар орқали таҳлил этилган. Ушбу мазмундаги тадқиқотлар сифатида, Б.В.Кайгородов томонидан олиб борилган тадқиқотни мисол қилиш мумкин. Муаллифнинг фикрича, намунали ўқувчи бу, ўз ўқув фаолиятини янгича ташкил қила оладиган, ўзини ўзи такомиллаштира оладиган шахсдир. Ўқувчи ўзини ўзи тартибга солиш функцияси орқали касбий жиҳатдан тўлиқ ривожлана боради.

Антик даврнинг буюк мутафаккирлари Аристотел, Сократлар ҳам инсон эҳтиёжлари мотивлари борасида эътиборга молик фикрларини билдиришган. Уларнинг фикрича, ҳайвонлар ва инсонлардаги муҳтожлик – бу ўз ўзидан мотивацион хулқ-атворнинг намоён бўлиш шаклидир деб таъкидлайди. Юқоридаги файласуфлардан ташқари, Демокритнинг талқинича, эҳтиёжлар нафақат фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч, балки у бир томондан ҳиссий тажрибага алоқадор, инсон онгини ривожлантирадиган, охир оқибат унга тил, нутқ эга бўлишга имкон берадиган категориядир. Шу жиҳатдан ўқув фаолиятида натижага эришиш муаммоси узоқ тарихга ҳам бориб тақалади.

Т.В.Ножкинага кўра, ўқув фаолиятида натижага эришиш ўсмир ўқувчининг воқеликка конкрет муносабатини ифодаладиган ва ўқувчи хусусиятлари ҳақиқий намоён этадиган, бошқа жараёнларга қараганда анча мураккаброқ саналаган, мураккаб динамик жараёндир. Демак, махсус ҳаракатларда натижага эришиш ва ўқув фаолиятига тайёргарлик масалалари тарихий характерга эга ҳодиса ҳисобланади. Бошқа бир жиҳатдан эса, натижага эришишнинг ривожланиши инсоннинг бирор ҳаракатга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда ундаги когнитив фазилатларни ривожлантириш истаги билан узвий боғлиқдир. Мазкур ҳаракатларнинг бажарилиши аста-секин, ташқи





шартли мақсадларни амалга ошириш истагини кучайтирган. Ҳозир фанда, ўқув фаолиятининг табиати ва психологик мазмуни, янги концептуал асослар орқали тушунтирилиб, унда қатор умумпсихологик шарт-шароитлар ҳисобга олинади. Тадқиқотчи А.А.Реаннинг сўзларига кўра, ўқувчининг мустақил ижодий фаолияти унинг қадриятлари тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, ўз қадриятларини яхши англаган ўқувчи ҳар қандай таълим шароитига тез ва осон мослаша олади. Мазкур таърифга мувофиқ, ўқувчиларда ўқув фаолияти муваффақиятларини таъминловчи натижага эришиш қобилияти, унинг қадриятлари ўзвий боғлиқ саналиб, у кўплаб ижтимоий–психологик хусусиятлар ва педагогик фазилатлар билан ҳам характерланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўсмир ўқувчиларда натижага эришиш ўз-ўзини ривожлантириш малакаларини шакллантириш, аввало, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш тамойили орқали амалга оширилади. Э.Э.Сыманюкнинг таъкидича, ўсмир ўқувчи ўқув фаолиятига хос мустақил ишлаш кўникмалари доимий равишда ўзгариб борадиган динамик жараён саналаиб, у ўз мазмунида ўқув фаолиятига доир қобилиятлари ривожланишини онгли бошқариш, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг йўл-йўриқлари, касбий фаолиятнинг индивидуал услуби каби хусусиятларни ҳам қамраб олади.


Рус психологи Е.П.Ильин фикрича, ўқув фаолияти инсоннинг қуйидаги хусусиятларини аниқлайди:

- Ошкоралик-машҳур бўлиш имконияти;
- Ўсмир ўқувчи учун аҳамиятга эга сифатлар-муваффақиятга интилиш, юқори натижа кўрсатиш;
- Чекланмаган миқдордаги ҳаракатлар-муваффақиятлилик, ижодкорлик ва тиришқоқлик;
- Рақобатли вазиятларни баҳолаш ва мустақил қарор қабул қилиш имконияти.

Натижага эришиш ўсмир ўқувчининг мутахассисга айланиши, унинг ўзи ҳақидаги, касбий ва ижтимоий муҳитдаги мавқеи ҳақидаги тасаввурларининг ўзгариши, қолаверса, янги касбий сифатларни ўзида таркиб топтириши, кенг маънода айтадиган бўлсак шахснинг натижага эришиш даражасини англаши билан ҳамохангликда кечадиган жараёнدير. Натижага эришиш инқирозлари даврида касбий сифатлар яққол намоён бўлади.

В.Ю.Алексеевнинг хулосаларига кўра, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг психологик шарт-шароитларида қуйидагилар ажратилади:

- ўқув жараёнида муваффақиятга эришиш учун, ўзини физиологик ва психологик зўриқишларга дучор қилишга имкон берувчи энг юқори мотивация;



– ўқитиш ва суғурталаш билан бирқ қаторда, ўқув фаолияти муваффақиятлари учун шарт бўлган сенсоримотор малакаларни яхши ривожлантириш;  
– ўсмир ўқувчиларнинг энг муҳим иродавий сифатлари, объектив ва субъектив характердаги қийинчиликларни доимий равишда енгиб ўтиш истаги;  
– ўйин фаолияти, кучли ҳиссий энергия ва бошқалар кечинмаларнинг мавжудлиги. Юқорида қайд этилган ўқув фаолиятининг ўзига хос омиллари алоҳида мазмун касб этиб, уларни ттаҳлил этиш натижага эришиш билан боғлиқ қатор психологик омилларни аниқлашга хизмат қилади.

Юқоридаги таснифлардан ўлароқ, ўсмир ўқувчиларнинг шахсий ҳаёт йўли ва ўқув фаолиятининг индивидуал услуби масалалари Т.Б.Максимова томонидан ҳам кенг тадқиқ этилган. Муаллифнинг фикрича, ўсмир ўқувчи шахсидаги натижага эришиш ва ўзини ўзи тарбиялаш кўникмаси, кейинчалик унда ижодкорлик сифатларининг ўсишига кенг имкон беради. Дарҳақиқат, ўсмир ўқувчи шахсидаги натижага эришиш хусусияти бу таълим–тарбия жараёнида муваффақиятни, самарадорликни таъминловчи асосий психологик мезонлардан бири саналади[9].


Ёш даврлар психологияси билан боғлиқ айрим адабиётларда келтирилишича, ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришишни белгиловчи тамойилларга қуйидагилар киради :

– инсонпарварлик тамойили – ўқитувчи, психолог ва ўсмир ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ижобий муносабатлар, ўсмир ўқувчи ҳуқуқларига ҳурмат кўрсатиш, ўқув фаолияти талабларига сўзсиз риоя қилиш;  
– ўқув фаолияти жараёнининг тўғри ташкил этилганлиги, ундаги тартиблилик ва узлуксизлик тамойили.

– ўқув фаолияти иштирокчиларининг ижтимоий фаоллиги, ўқув фаолияти очиқлик ва ахборот муҳитининг шаффофлиги тамойили ва бошқалар. Демак, ўсмир ўқувчининг юқори натижалари ва юксак натижаларга эришишнинг психологик шартлари сифатида, ўқитувчи ва ўсмир ўқувчининг вазифаларга бўлган муносабати ва ижтимоий фаоллик хусусиятлари кабилар киритилади[10].

П.В.Кондратьевга кўра, умумўрта таълим мактабларининг ўсмир ўқувчилари ўзларида қуйидаги касбий қобилиятларни шакллантира олган бўлишлари керак:

1. Билиш қобилияти;
2. Тушунтира олиш қобилияти;
3. Кузатувчанлик қобилияти[11];
4. Нутқ қобилияти;
5. Ташкилотчилик қобилияти;



6. Тўғри муомала қила олиш қобилияти;
7. Келажакни кўра билиш қобилияти;
8. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва бошқалар.

Юқоридаги келтирилган таснифлардан шу нарса маълумки, ўқув фаолияти нафақат, фанга оид билим ва кўникмаларни ўзлаштириш шунингдек, инсон шахсига хос кўплаб психологик билимлар тизимини ўрганишни ҳам назарда тутадиган мезон саналади[12].


Мазкур масалада тадқиқотчи С.С.Косинов шундай дейди: “Ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида натижага эришиш жараёнида асосий шартлари бири бу нафақат, маълум бир шахслилик сифат ва кўникмаларни шакллантириш орқали балки, мазкур сифатларни мунтазам оптималлаштириш, ўқув фаолиятга бўлган қизиқишларини доимий қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришиш ва улкан муваффақиятлар қозонишнинг асосий омиллари ёки мотиваторлари ҳам фарқланиб, Б.Ж.Креттига кўра, юқори натижаларга эришиш қуйидаги психологик сифатлар орқали амалга ошади:

- Стрессли вазиятларни энга олиш қобилияти;
- Мукамалликка интилиш истаги;
- Ижтимоий мавқеъини ошириш истаги;
- Ўқув фаолияти жамоасининг ҳақиқий аъзоси бўлиш иштиёқи;
- Юқори даражада ривожланган альтруизм ҳисси.

Ҳозирги кунда психология фани эришаётган ютуқларидан келиб чиқиб, таълим жараёнининг энг қисқача таърифини қуйидагича бериш мумкин: таълим жараёни ўзига хос бошқарув жараёни ҳисобланиб, бунда таълим объектларига мақсадли йўналтирилган ҳолда таъсир кўрсатилади[13]. Маълум маънода таъкидлаш мумкинки, таълим бериш жараёнида билимлар ташкил қилинади ва узатилади. Мазкур жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши учун педагогик жиҳатдан махсус таълим моделлари амалга оширилади. Ўсмир ўқувчиларда натижага эришиш кўникмасини фаоллаштириш ҳамда шакллантиришнинг психологик усуллари ишлаб чиқиш ҳолати, илк бор XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади.

Демак, ўқитувчи ва ўсмир ўқувчининг оила аъзолари, мусобоқаларда энг юқори натижаларга эришишни белгиловчи асосий омиллардан бири саналади[14]. Таъкид жоизки, ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришиш нафақат яратилган қулай шарт-шароитларга балки, давогарда шаклланган муваффақият мотивация даражаси ҳам узвий боғлиқ саналади. Бу борада машҳур рус психологи Е.П.Ильин томонидан илгари сурилган ёндашув ҳам ўта аҳамиятли саналади. Муаллифнинг фикрича, ўсмир ўқувчиларнинг муваффақият мотивациясига таъсир этувчи ички сабаблар қуйидаги сифатлар билан боғлиқ саналади:






- Ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш (ўз саломатлигини яхшилаш, жисмоний имкониятини ошириш ва иродавий сифатларни ривожлантириш);
- Ўзини намоён қилиш ва ўзини ўзи тасдиқлаш истаги – бошқалардан кам бўлмаслик, жамоатчилик эътирофига тушишга интилиш;
- Аъзолик мотивацияси – ўзини синфдошлари ва жамоа аъзоси сифатида ҳис қилиш, ўсмир ўқувчилар билан яқин алоқада бўлиш, мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилиш истаги ёки янги таассуротлар олиш эҳтиёжи<sup>1</sup>;
- Ўз-ўзини такомиллаштириш–бу нафақат ўзида жисмоний сифатларни ривожлантириш билан, ирода сифатлар, интеллект, социал интеллект, эмоционал интеллект, ижодий қобилиятлар кабиларни ўзида ривожтиришни назарда тутди.

Мазкур биринчи фасл юзасидан қуйидагича хулоса қилиш мумкинки, ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришиш ҳаракати замирида, шахнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам акс этиб, у ўз қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга интилиш ва маълум бир малакаларга эга бўлиш истаги кабиларда ҳам аниқ намоён бўлади.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Маслоу А. Мотивация и личность / А. Маслоу. – СПб.: Питер, 2008.
2. Роджерс К. Фрейберг Дж. Свобода учиться М.: Смысл, 2002..
3. Парсонс Т. Структура социального действия / Гл.
4. Персоне Т. О структуре социального действия. М.: Академический Проект, 2000
5. Масселланд Д. Power: Тхе иннер эхпериенсе. -New Ёрк: Ирвингтон, 2009
6. Серова Л.К. Психология личности / Л.К. Серова. – М.: Советский спорт, 2007.
7. Горская Г.Б. Психологическая теория учебной деятельности: актуальные направления развития / Г.Б. Горская Теория и практика физической культуры. Научно-теоретический журнал. - 1999.
8. Яковлев Б.П. Основы психологии / Б.П. Яковлев. - М.: Советский спорт, 2014.
9. Nargiza, A. (2022). Interactive methods of teaching English in a non-philological educational institution. European Journal of Innovation in Nonformal Education, 2(1), 32-36.
10. Nasimovna, N. A. (2022). NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE TO STUDENTS WITH NO SPECIALIZED FOREIGN LANGUAGE. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 6, 76-79.
11. Nasimovna, N. A. (2022). THE ROLE OF DISCIPLINE IN THE CLASSROOM. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 6, 69-75.

<sup>1</sup>Стамбулова Н.Б. Психология спортивной карьеры: автореф. дисс. ... д-ра психол. наук: 19.00.13 / Н.Б. Стамбулова – СПб.: СПбГА ФК им. П.Ф. Лёгкова, 1999. – С.31.



12. Арчабаева, Н. (2022). ARE CHILDREN SMARTER (OR MORE SO ARE CHILDREN SMARTER (OR MORE SOCIALIZED) BECAUSE OF THE INTERNET? ARE CHILDREN SMARTER (OR MORE SOCIALIZED) BECAUSE OF THE INTERNET?. Мактабгача таълим журнали, 5(5).
13. Арчабаева, Н. (2022). Understanding The Learning Process to Effectively Differentiate Instruction. Мактабгача таълим журнали, 1(Preschool education journal).
14. Арчабаева, Н. (2021). ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАР ТИЗИМИДА МАКОН ДЕЙКСИСИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР: In this article, on the example of the English and Uzbek languages, the SEMAS of locative adessive, locative allative, locative ablative, locative translative, locative object, locative instrumental, locative manner are identified on the basis of the substantiality of the syntactic-semantic signs of the category. A comparative analysis of syntactic units, representing the declension of space in the system of non-sister .... Мактабгача таълим журнали.